Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
4 август
ШАНБА
№ 61
(12.489)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

## ЮЗ МИЛЛИОН СОФ ФОЙДА

***Бу йил Пискент тумани "Иноятов Бекзод" фермер хўжалигининг 80 гектар майдондаги буғдойи баракали ҳосил тўкди. Гектаридан салкам эллик центнердан хирмон уюлиб, шартнома бўйича давлат эҳтиёжлари учун 280 тонна ғалла топширилди. Хўжаликнинг ўзига қолган юз тоннадан зиёд буғдойнинг бир қисми аъзоларга меҳнат улушларига қараб тарқатилди. Соф фойда ҳам ҳосилдорликка яраша 100 миллион сўмга борди.***

*Хўжалик аъзолари бу билан қаноатланишмади. Улар ғалладан барвақт бўшаган 40 гектар майдонга кунгабоқар экишган эди. Ҳозир бу экин обдон ривожга кираяпти. Ҳадемай, экинзор сап-сариқ гулларга бурканади. Шуни ҳисобга олиб, фермер Бекзод Ширанов Тошкент ёғ-мой заводи билан 60 тонна ҳосил етказиб бериш юзасидан шартнома тузиб қўйган.*

*— 66,9 гектардаги С-6524 ва Наманган-77 навли ғўзамизнинг ривожи, ҳосил тўплаши чакки эмас, — дейди Бекзод Ширанов. — Қабул пунктлари билан тузилган шартномага мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун 185 тонна пахта топширишимиз лозим. Аммо, бу йилги хирмонимиз ҳам ўтган мавсумдагидек, 270 тоннадан кам бўлмайди. Чунки, биз ҳосилдорликда 40 центнерлик маррадан аллақачон ошганмиз.*

*Фермернинг ишончи қатъийлиги бежиз эмас. Ўғитга тўйдирилиб, чиллада шарбат сувига қондирилган ғўзалар шиғил ҳосил тўплаяпти. Айниқса, асосий туп ва ён шохлар учи вақтида чилпиб қўйилгани боис ҳосил тугунчалари — кўсакларнинг йириклашиши янада тезлашди. Ҳозир хўжалик аъзолари ғўза баргларини ёппа сунъий тўктиришни ҳам сифатли бажариб олиш ҳаракатидалар.*



**СУРАТДА:** фермер Бекзод Ширанов.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси бўлди. Унинг ишида вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ ва котибиятлар, бошқарма ва ташкилотлар, сиёсий партиялар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари иштирок этишди.**

**Сессияга Халқ депутатлари вилоят кенгаши раиси, вилоят ҳокими Рустам Холматов раислик қилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари асосида аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, эрта турмуш қуриш ва вояга етмаганлар ўртасида туғуруқнинг олдини олиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бажарилишининг бориши, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш борасида Халқ депутатлари вилоят кенгаши ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси амалга оширган ишлар, давлат раҳбарининг "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг бажарилиши ҳақидаги ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Сессияда бу масалалар хусусида Халқ депутатлари вилоят кенгаши ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК раҳбари вазифасини бажарувчи Нормамат Раҳмонқулов, Халқ депутатлари вилоят кенгаши ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раисининг ўринбосари Зарифа Эралиева, Ўзбекистон ХДПси партия гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамовнинг маърузалари тингланиб, муҳокама қилинди. Эришилган натижалар таҳлил қилиниб, кун тартибидаги долзарб вазифалар, ишдаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш йўллари белгилаб олинди.

Шунингдек, сессия айрим ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

## «БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши шаҳар ва туманларда "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида 2 августдан 29 августгача ўтказадиган фестивалнинг илк тадбири Олмалиқ шаҳар "Кимёгар" маданият саройида бўлиб ўтди.**



Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни ҳаётий мисоллар ва халқаро миқёсдаги эътирофлар орқали, шунингдек, давлатимиз ёшларга яратиб берган шарт-шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш масъулияти улар зиммасида эканини тушунтириш, юртимиз иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маданий тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшаётган интеллектуал салоҳиятли, иқтидорли ва ижодкор фаол ёшларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўз ақл-заковатини тўла намоён этишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилаётган фестивалда ҳаракат етакчилари ва фаоллари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, корхона ва ташкилотларда ишлаётган ёшлар иштирок этади. Фестиваль давомида "Президент асарлари билимдони", "Энг яхши таклиф эгаси", "Энг яхши китобхон оила", "Намунали ёш тадбиркор", "Намунали ёш фермер", "Намунали ёш ҳунарманд", "Намунали ёш маънавият тарғиботчиси", "Соғлом турмуш тарзи тарғиботчилари" аниқланиб, мукофот, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Қатнашчиларни хушнуд этадиган жиҳатлардан яна бири таниқли шоир, ёзувчи ва санъаткорлар, эстрада хонандалари, кино ва театр актёрлари, спорт усталарининг иштироки, улар билан бўладиган қизиқарли учрашув ва давра суҳбатларидир.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТДА:** фестиваль иштирокчилари шоира Зарифа Эралиева билан.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

## БОҚИЙ ҚАДРИЯТ

**Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси туман кенгаши "Аждодларга муносиб авлод бўлайлик!" шиори остида давра суҳбати ташкил этди.**

"Буюк боболар сиймоси – барҳаёт" мавзусида ўтган тадбирда ёшлар ўртасида миллий қадриятларимизни янада шакллантириш, аждодларнинг бой маданий меросини асраб-авайлашга ўргатиш, миллий урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, партия сафини кенгайтириш, ёшларнинг сиёсий фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш хусусида сўз борди.

Тадбир давомида иштирокчилар тумандаги тарихий обидаларга саёҳатлар уюштириш каби қатор таклифлар киритдилар.

### ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## ҚЎЛИ ГУЛ ҚИЗЛАР

**Туман маданият уйида "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

Унда 6 нафар қўли гул ҳунарманд турли шартлар бўйича ўзаро беллашди. Якуний натижаларга кўра, ҳунарманд Нодира Солиева ва Лиянур Жумашова 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритдилар.

Ғолибларга туман хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ каби ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

## МУҚАДДАС ДАРГОҲ

***Вилоят Маънавий-маърифий марказида бўлиб ўтган тадбир шу мавзу доирасида кечди***



Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган кечада оила қуриш арафасидаги ёшлар, шаҳар, туман ва бошланғич хотин-қизлар қўмиталари, ФҲДЁ бўлимлари раислари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди мутахассислари, фаол маслаҳатчилар, "Камолот" ЁИҲ бўлимлари ҳамда бошқа қатор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда оиланинг жамият тараққиётида тутган ўрни, оила маънавиятининг шаклланишидаги бош омиллар, никоҳ қуришнинг ҳуқуқий асослари, эр-хотин муносабатлари ва бахтли бўлиш сирлари, исломда оила масъулияти мавзуларида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Шунингдек, ёшларнинг оила қуришга қанчалик тайёр эканликларини яна бир бор синовдан ўтказиш мақсадида тайёрланган викторина саволларига тўғри ва мазмунли жавоб қайтарган келин-куёвларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Равшан НЕЪМАТОВ.**

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## САҲНАДА ЁШ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР

**Бекобод шаҳар "Цементчи" болалар соғломлаштириш масканида "Огоҳ бўлинг" шиори остида тадбир бўлиб ўтди. Унда оромгоҳ аъзолари ва жамоа етакчилари 5 та гуруҳга бўлинган ҳолда ёнғиннинг олдини олиш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича саҳна кўринишларини намойиш этдилар.**

– Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад, – деди оромгоҳ бош етакчиси Рустам Раҳмонов, – болаларда Ватанга, оилага бўлган меҳр-муҳаббатни тарбиялашдан иборат.

Шунингдек, куннинг иккинчи қисмида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танлови ўтказилди. Унда фаол иштирок этиб, юксак маҳорат кўрсатган болаларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

2012 йил учун



ОБУНА

давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси
индекси – 205.

МАЪНАВИЯТ

## МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ ОҚИБАТЛАРИ

**Ҳозирги кунда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати дунё миқёсида диний ақидапарастлик, фундаментализм, экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик сингари глобал муаммолардан бирига айланди. Миссионерлик ҳаракати ҳақида фикр юритганда, аввало, бу сўзнинг ўзагини ташкил этган "миссио" ва "миссионер" сўзларининг маъно ва мазмунига тўхталиб ўтиш жоиз. Лотин тилидаги "missio" атамаси "вазифа", "ҳуқуқ", "юбориш", "вазифа топшириш", "жўнатмоқ" деган маъноларни англатади.**

Мутахассисларнинг фикрига кўра, "миссио" сўзи "вазифа" "топшириқ", "аниқ мақсадга йўналтирилган", "кимгадир ва нимагадир жавобгарлик бурчини адо этиш", "доимгидек дипломатик вакил", "бир давлатнинг махсус мақсад ва вазифалари юзасидан ўзга давлатга юборилган вакили" деган маъноларни, шу билан бирга "черков ва диний уюшмага тегишли бўлган миссионерлик ташкилоти" каби тушунчаларни англатади.

Юнонча "proselitizm" сўзи "келгинди, бир жойдан бошқа жойга кўчувчи", "ўзининг диний эътиқодидан бошқа динга ўтувчи" деган маънолар билан бир қаторда, "тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилиш" деган маъноларни англатади.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари мақомида фаолият юритаётган тоталитар диний ташкилотлар қаторида "Иегова гувоҳлари", "Тўлиқ инжил христианлари" ёки "Пятидесятниклар", "Баҳоийлик" секталар қаторида, "Аум Синрикё", "Сайенталогия", "Сан Мен Мун "Бирлашган ҳаракати", "Мормонлар (сўнгги давр авлиёлари Иисус Христос черкови)" каби диний оқимлар миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини фаол олиб бормоқда. Мазкур ҳаракат "намояндалари" глобаллашув жараёни ривожланиши натижасида турли маънавий хуружлар, ёт оқимлар таъсири орқали ўзларининг мафкуравий ғоялари билан дунёни забт этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

"Иегова гувоҳлари" диний ташкилоти Европа парламенти (ПАСЕ) томонидан дунёдаги энг хавфли 172 та секта ва диний ташкилотлар қаторида эътироф этилган ва ўз таълимотларини дунёнинг турли бурчакларида яшовчи аҳолига етказиш мақсадида уларнинг маънавияти, маданияти, қадриятлари, урф-одатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Диний ташкилот аъзолари, асосан, фуқаролар уйларига бевосита ташриф буюриб, ўз ғоялари акс этган журнал ва адабиётлар тарқатиш орқали издошларини кўпайтириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришади. Ҳозир иеговачи миссионерлари 700 мингдан ошди.

(Давоми 2-бетда).

БУГУННИНГ ГАПИ

**Пахтакорлар учун ҳал қилувчи палла бошланди. Тажрибали деҳқонларимиз кузда бунёд этилажак юксак хирмон учун ҳозирдан пухта замин ҳозирлаб, ҳар фурсатни ғанимат билиб меҳнат қилмоқдалар.**

**Эрта баҳорда тупроққа уруғ қадаб, текис ниҳол ундириб олган бободеҳқон меҳнатининг бугунги самараси – ҳар бир тупдаги бўлиқ кўсаклар, ҳосил шоналари кўзни қувонтиради. Қониб сув ичган, қатор ораларига чуқур ишлов берилиб, минерал ва маҳаллий ўғитга тўйинган ғўза эртанги юқори ҳосилдан дарак беради.**

# ҲАР ЛАҲЗА ҒАНИМАТ

Август ойида ғўза шоналари гулларга, гуллар кўсакларга айланади. Тўқ кўсаклар пишиб етилади. Ғўза қатор ораларини меъёрида культивация қилиш ва шарбат усулида суғориш, чеканкани тез ва сифатли якунлаш мўл ҳосилга замин яратади. Шу боис деҳқонларимиз ғўзани суғориш, культивация қилиш, чилпиш, ҳосилни зараркунанда ҳашаротлар ва касалликлардан асрашга янада жиддий эътибор қаратиб, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли бажаришга интилмоқдалар.

Вилоятимиз деҳқонлари ҳам ғўза парваришида масъулиятли палла – асад ойида агротехник тадбирларни янада сифатли амалга ошириш учун барча ресурс ва имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда. Жумладан, бир минг 500 дан зиёд юқори унумли техника ёрдамида ҳар куни саккиз минг гектар майдон культивация қилинаётир.

Вилоятдаги икки минг 200 дан ортиқ фермер хўжалиги 91 минг 500 гектар майдонда "Наманган-77", "С-65-24", "АН-Боёвут-2" каби маҳаллий иқлимга мос, эртапишар ғўза навларини парваришламоқда. Ғўза чилпишни ўз вақтида якунлаган пахтакорлар ниҳолларни шарбат усулида суғориб, озиқлантирмоқда.

– Август ойи ҳосил тўплашда муҳим ўрин тутади, деҳқоннинг тажрибаси, маҳоратини яна бир бор синовдан ўтказади, – дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Мақсуд Мухторов. – Шу боис деҳқонларимиз агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда бехато амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Культивация, чилпиш, дефолиация ишлари сифатли бажарилмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Худойқулов Бегмат" фермер хўжалиги аъзолари 72,3 гектар майдонда "Наманган-77" навли ғўза парваришлаб, мўл ҳосил тўпламоқда. Тажрибали фермер ғўза ниҳолларини тўрт марта шарбат усулида суғорди. Культивация ишлари тез ва сифатли амалга оширилмоқда.

– Барча агротехник тадбирларни, зараркунандаларга қарши кураш ишларини изчил амалга оширяпмиз, – дейди фермер Б. Худойқулов. – Ғўзанинг тўлиқ етилиши ва толанинг пишиқлигини таъминлаш учун чеканкани ўз вақтида тугатдик. Сувни тежаш мақсадида тунги суғоришни ташкил қилиб, шарбат усулидан кенг фойдаланяпмиз. Шарбат, маҳаллий ўғит ёки компост ғўзага озуқа бериш билан бирга сув буғланишини камайтириб, унинг тупроққа сингишини яхшилайди. Культивация ҳам сифатли бажарилмоқда. Бунинг самарасида ҳосил чўғи кундан-кун ошмоқда. Бу йил ҳар гектар майдондан ўртача 40 центнердан ҳосил олишни мўлжалламоқдамиз.

Айни пайтда ғўза зараркунандаларига қарши кураш тадбирлари ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БИОУСУЛ ҲОСИЛНИ ЯХШИ АСРАЙДИ

**Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини оқилона ҳал этишда фермер хўжаликлари муҳим роль ўйнашлари табиий ҳол. Буни тўғри тушунган оқил фермер ерларини изчил кенгайтириб бориш ҳаракатини қилади. Зеро, ерга ер қўшилса, хўжаликнинг фаолияти кенгаяди ва бу ўз навбатида янги ишчи кучларини жалб қилишни тақозо этади. Қишлоқларда эса ишсиз ёшлар ҳар доим топилади.**



Оққўрғонлик Исоқжон Эрқулов "Қизларгул она" фермер хўжалигини ташкил этаётганида шу фикрларни хаёлидан ўтказган бўлса, ажаб эмас. Чунки, ҳозир хўжалик аъзолари 45 кишига етди. Улар 92,6 гектар майдонда деҳқончилик қилишяпти. Демак, бир кишига икки гектардан сал кўпроқ ер тўғри келмоқда. Асосан пахта ва ғалла етиштирувчи хўжаликда бундай шароит ҳар икки экин парваришини оби-тобида олиб бориш имконини беради.

– Аъзоларимиз саъй-ҳаракати билан дала бошларига 150 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит чиқарган эдик, – дейди хўжалик раҳбари Исоқжон Эрқулов. – Бу 55,8 гектар майдондаги ғўзага чилла ичида икки марта шарбат суви оқизиш имконини берди. Бундан ташқари, мавсум давомида ҳар гектарига 500 килограммдан азотли ўғит ҳамда 25 килограммдан калий бердик. Шу боис ғўзамиз шиғил ҳосил тўплаяпти. Ҳосилга ҳосил қўшиш даври ҳисобланган август ойида ҳам парваришни давом эттираяпмиз.

Фермернинг айтишича, ҳозир асосий эътибор бор ҳосилни тўла сақлаб қолиб, эрта пишиб етилишини таъминлашга қаратилмоқда. Бунинг учун ғўза касаллиги ва ҳосил кушандалари бўлган ҳашаротларга қарши биологик усул қўлланилаяпти. Асосан олти кўз ва габробракон энтомофагларидан фойдаланилмоқда.

Хўжалик бу йил давлат эҳтиёжлари учун 156,2 тонна пахта сотиш юзасидан шартнома тузган. Далаларда тўпланаётган ҳосил чўғи ва кун сайин йириклашиб бораётган кўсаклар эса, умумий хирмон бунданда салмоқли бўлишидан дарак бераяпти.

СУРАТДА: (ўнгдан) фермер Исоқжон Эрқулов, сувчи Воҳиджон Темиров ва ишчи Мукаррам Норматова.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА





# ОЧИҚЛИК КАФОЛАТИ

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги ва ошкоралиги – уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Давра суҳбати мазкур институтнинг Тошкент шаҳар ва вилоят ҳудудий бўлинмалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникацион технологиялар масалалари бўйича қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил департаментининг масъул ходимлари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборот агентлиги вакиллари ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари масъул ходимлари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлари, ҳудудий ОАВ бош муҳаррирлари ҳамда институт ходимлари иштирок этдилар.

Асосан "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланган мазкур тадбир давомида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида ОАВларининг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан алоқаларини яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да ОАВнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида белгилаб қўйилган вазифаларни самарали ижро этиш мақсадида ҳозирги кунда қатор янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Тадбир давомида республика ОАВларини ривожлантиришга бағишланган маърузалар тингланди. Шунингдек, иштирокчиларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг веб-сайтлари ҳолати ва такомиллашуви тўғрисида маълумот тақдим этилди. Давра суҳбати иштирокчилари тингланган маърузаларни муҳокама қилиб, мазкур соҳани янада такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар билдиришди.

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШКИЛОТИ ОРҚАЛИ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг стратегик вазифаларидан бири экспорт салоҳиятини оширишдир. Буни таъминлаш мақсадида мамлакатимиз корхоналарини ISO 9001 халқаро стандартига мувофиқ бошқариш устувор йўналишлардан бири сифатида танланган. Шунга кўра, Ўзбекистон ҳукумати кейинги йилларда бир қатор қарорлар қабул қилди.**

"Management" журналининг ёзишича, бугунги кунга қадар Ўзбекистонда фаолият юритаётган корхоналар ISO 9001 стандартига мувофиқликни тасдиқлаш учун асосан хориж сертификатлаштириш органларига мурожаат қилишга мажбур бўларди. Мана энди, Ўзбекистон тарихида илк марта мамлакатимиздаги сертификатлаштириш органларидан бири "CERT International" – Европада рўйхатдан ўтиш орқали халқаро миқёсда тан олинди. Бу эса "CERT International" республикамиз корхона ва ташкилотларига ISO 9001 бўйича дунёда тан олинган сертификатларни тақдим этиш ва шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини халқаро даражада ҳимоя қилишга имкон беради.

Шу кунларда "CERT International" ташкилотига аккредитациядан муваффақиятли ўтгани ҳақида расмий гувоҳнома топширилиш арафасида ва Халқаро аккредитация форуми – IAF (www.iaf.nu) – орқали "CERT International" сертификатлаштириш органининг ISO 9001 стандарти бўйича сертификатлари АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австралия, Япония каби дунёнинг 58 та давлатларида тан олина бошлайди.

## ХИЗМАТ СИФАТИ ЯНАДА ОШАДИ

**Пойтахтимизда "Ucell" компанияси дилерларининг абонентларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва кўламини кенгайтиришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳанинг етакчи мутахассислари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Жорий йилда "Ucell" экологик тоза иқтисодиёт ғоясини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзининг асосий станцияларида энергия истеъмолини 20 фоизга камайтиришни режалаштирган. Шу мақсадда компания катта миқдорда энергия сарфлайдиган 100 га яқин станцияни, жумладан, қишлоқ жойлардаги станцияларни қуёш энергиясида ишлашга ўтказади.

Қизғин баҳс-мунозаралар ва очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислари томонидан батафсил жавоб берилди.

**"Туркистон-пресс".**

МАЪНАВИЯТ

# МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ ОҚИБАТЛАРИ

Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари тўғрисида гапириб, машҳур украиналик олим М. Мороз "Иегова гувоҳлари" диний ташкилотини "бизнинг ашаддий душманимиз, миллийликнинг ишончли жосуслари" деб атайди. Унинг фикрига кўра, бу оқимга қўшилган украиналиклар миллий қадриятларга бутунлай бефарқ бўлиб қолишмоқда.

"Иегова гувоҳлари" диний ташкилоти бизнинг мамлакатимизда ҳам яширин тарзда фаолият кўрсатмоқда. Унинг аъзолари давлат ва жамият манфаатларига зид ҳаракат қилишмоқда. Диний ташкилот таълимоти ва ғоялари акс этган диний адабиётларни тарқатиб, фуқароларнинг хонадонларида тарғибот ва ташвиқот олиб боришмоқда. Уларнинг мафкурасида давлат рамзлари – байроқ, герб, мадҳия ҳамда кўплаб бошқа миллий ватанпарварлик рамзларини олқишлаш, ижро этиш, давлат вазифаларига қасамёд қилиш рад этилади.

Диний секта ўз аъзоларига армия ва бошқа ҳарбий қўшинларда хизмат қилиш, ҳарбий ташкилотларда ишлаш, мактаб ва ҳарбий олий ўқув юртларида тайёргарликдан ўтиш, жанговар санъат ва спорт турлари – бокс, каратэ билан шуғулланишга рухсат этмайди.

Миссионерлик ва прозелитизм билан фаол шуғулланаётган "Аум Синрикё" сектаси дунёдаги энг хавфли тоталитар секта ҳисобланади. Террорчилик услубини қурол қилиб олган диний корпорация сифатида ўз тарафдорларига ўта шафқатсиз муносабатда бўлиб, у қўрқитиш, мажбурлаш, жазолаш усуллари орқали одамлар умрига зомин бўлган ҳоллар йўқ эмас.

Секта раҳбари Сёко Асахара диний ташкилотга фуқароларни жалб этиш жараёнида, аввало, коллеж ва олий ўқув юртларининг талабаларига алоҳида эътибор қаратади. Бу секта 1990 йили Японияда расмий

(Давоми. Боши 1-бетда).

рўйхатга олиниб, мамлакатда ўтказилган маҳаллий сайловларда иштирок этган.

Ҳозир секта асосан Япония, Шри-Ланка, АҚШ, Германия, Россия каби мамлакатларда кенг фаолият олиб бормоқда. Сектанинг дунё миқёсидаги 37 та компанияси жуда катта сармояга эга. Унинг фаолиятига назар ташланса, тураржой савдоси, суғурта ҳужжатларини сохталаштириш, тиббиёт соҳасидаги фирибгарлик, рэкет, одам ўғирлаш, ўлдириш каби қабиҳ жиноятлар билан шуғулланиш етакчи ўрин тутишини илғаш қийин эмас. Мутахассислар "Аум Синрикё" сектасининг Японияда 9 минг, дунё миқёсида эса, 40 минг аъзоси борлигини алоҳида таъкидлашади.

Миссионерлик ташкилотлари ўз фаолиятларини тизимли ташкил этиб, аввало, алоҳида шахсларга ўз диний ғояларини сингдиришга бевосита эътибор қаратади. Миссионерлар миллатнинг тарихан шаклланган анъаналари, қадриятлари, маданияти, маънавияти ҳамда диний эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотиб, инсонларга таъсир ўтказади, уларни ўз тузоғига илинтиради.

Уларнинг хатти-ҳаракати замирида одамларнинг диний эътиқодидан воз кечиши ва ўзга динни қабул қилишига эришиш, пировардида оила аъзоларига бевосита таъсир ўтказиш мақсади ётади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари замирида доимо муқаддас саналмиш оилада ҳар хил диний қадриятлар, турлича эътиқодий тамойиллар вужудга келмоқдаки, натижада оилавий аҳилликка, ҳамжиҳатликка путур етаётир. Бу оиладаги муносабатларга рахна солиб, бир оила фарзандларини бир-бирига қарши қилиб қўймоқда. Бир оила вакили ўзга динни қабул қилиши эътиқодий зиддиятларни вужудга келтириб, оиладаги тотувлик ва бирдамликка путур етказмоқда.

Миссионерлик ва прозелитизм оилада жанжал ва низолар келтириб чиқариши, аввало, оиладаги соғлом турмуш тарзи бузилишига, ота-она, қавму қариндошлар маҳалла ва ўз яқинларидан узилишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, миссионерлик таъсирига берилиш туфайли оила мустаҳкамлиги завол топяпти, қариндош-уруғлар ўртасида оқибатсизлик кучаймоқда.

Миссионерлик ҳаракатлари натижасида ҳар бир халқ учун муқаддас ҳисобланган, уни бирлаштирувчи куч – миллий ўзликни англаш туйғусига путур етмоқда. Бу ҳолат жамиятдаги барқарор ижтимоий вазиятни издан чиқаришга, давлат бошқарувида жиддий муаммолар туғдиришнинг асосий омили вазифасини ўтамоқда.

Миссионерлик ва прозелитизм мамлакатлар ва жамият ҳаётида асосий ўринни эгаллашга интилиб, дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни издан чиқармоқда. Шу муносабат билан мамлакат хавфсизлиги ва жамият барқарорлигига, унинг манфаатларига, миллат келажагига рахна соладиган ҳар қандай кучга қарши мафкуравий тарбияни кучайтириш, ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳар биримизнинг масъулиятли вазифамиздир. Зеро, Президентимиз "Мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади" дея таъкидлайди. Бағри кенг халқимиз эъзозлаб келаётган тарихий анъаналаримиз, миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган буюк маънавиятимизни асраб-авайлаш, жамиятимиз ҳаётида соғлом эътиқодни шакллантириш, мамлакатимиз келажаги – ёшларимизни турли ёт оқимлар таъсиридан асраш, уларни ҳар томонлама соғлом, баркамол ва етук этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчидир.

**Мансур МУСАЕВ,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси.**

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

**Оққўрғон туманида Президентимизнинг шу йил 16 июлда қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят ва туман ҳокимликлари, Савдо-саноат палатаси, солиқ, банк, божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун солиқ, божхона ва бошқа йўналишларда бир қатор имтиёзлар берилиб, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва чеклаш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бундай имкониятлар самарасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, 2000 йил билан таққослаганда, 31 фоиздан 54 фоизга кўпайди. Ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони шу давр ичида икки баробардан кўпроқ ошди ва иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг 75,1 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда.

Очиқ мулоқот давомида Президентимизнинг мазкур фармони соҳадаги ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этиш, замон талабларига мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини қисқартириш, тақдим этиш механизмларини соддалаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорларга янада кенг эркинлик беришга йўналтирилгани қайд этилди.

Мазкур фармон асосида қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди. Дастурда тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, шартнома муносабатларининг бажарилиши учун жавобгарлик, ташқи иқтисодий фаолият, меҳнат муносабатлари ва бошқа соҳаларда бажариладиган аниқ вазифалар белгиланган.

Анжуманда тадбиркорлар юкларни божхонада расмийлаштириш жараёнларини "ягона ойна" тамойили бўйича амалга ошириш, даъво аризалари ва илтимосномаларни хўжалик судларига электрон шаклда юбориш тартиблари ҳақидаги саволларига батафсил жавоб олдилар.

**ЎзА.**



# ЙЎЛ РАВОН – ЮРТ ФАРОВОН

**Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, қишлоқ ҳудудлари инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида техник жиҳатдан халқаро андозаларга мос кенг, равон йўллар, пиёдалар учун ер ости ўтиш йўллари ҳамда маҳобатли кўприклар қурилаётгани ҳайдовчи ва йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.**

– Ички йўлларнинг умумий узунлиги 314,5 километр, – дейди Юқори Чирчиқ тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Аҳрорхўжа Иброҳимхўжаев. – Бу йил 18 та кўчани тўлиқ таъмирлаш режалаштирилган. Бунинг учун республика йўл жамғармаси ва маҳаллий бюджетдан 687 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

– Истиқлол қишлоғидаги "Янги турмуш" маҳалласида 430 метр йўлга асфальт ётқизаяпмиз, – дейди туман йўл қурилиш корхонаси раҳбари Учқун Бегматов. – Бу йил 10 километрдан кўпроқ шундай ички йўллар таъмирланади.

СУРАТДА: туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Аҳрорхўжа Иброҳимхўжаев (ўнгда) "Янги турмуш" маҳалласида иш жараёни хусусида маслаҳатлашмоқда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ МЕНИНГ

# БАХТ ЭМАСМИ, ШУНДАЙ ГЎЗАЛ ЮРТДА ЯШАШ!

Қўшнимиз Асия кампир бўларди. Асли қримлик. Иккинчи жаҳон уруши даврида биз томонларга келиб қолган. Бирон тансиқ таом қилсак онахонга илинардик. Ўша куни ҳам аяни йўқлаб кирсам, уйида меҳмон бор экан.

– Клавдия менга сингилдек бўлиб қолган, қишлоқда туради, – деди Асия буви бизни таништира туриб. – Келганинг яхши бўлди, икки кампир ўтган кунларимизни хотирлаётгандик.

Юзларига ажинлар соя солган бўлсада, истарали аёл очиқ чеҳра билан сўрашди.

– Клавдия у ёққа бориб келибди, – деди Асия буви ликопчалардаги қанд-қурсни олдимга сура туриб.

"У ёққа" деб нимани назарда тутди экан, деганча Асия бувига саволомуз қарадим.

– Қримга кетган эди, бир ҳафта аранг туриб келди.

– Ватанингизга бориб келдингизми? – дедим.

– Ватаним Ўзбекистон! У ер эса туғилган жойим.

Кампирнинг сўзлари менга ғалати таъсир қилди.

– Одамзот учун туғилиб ўсган гўшаси Ватан ҳисобланади-ку, – дедим ажабланиб.

Клавдия буви чуқур хўрсинди.

– Биласанми, шафқатсиз уруш бошланганида етти ёшли қизалоқ эдим. Шўхшодон болалигимиз мусофирчиликда ўтди. Болалигимни ўйласам диққинафас вагонда ойлаб йўл босган кунларимиз кўз олдимдан ўтаверади. Бутун бошли қишлоқни эвакуация қилиб, поездга ўтқазишди. Қаерга кетаётганимизни ҳам, бизларни қандай кунлар кутаётганини ҳам билмасдан йўлга чиққандик. Бирбиримизнинг пинжимизга тиқилишиб олганмиз. Узоқ йўлдан сўнг поезд наъра тортиб тўхтади, ғала-ғовур бошланди. Қаердамиз, қайси юртга келганмиз, ҳеч ким ҳеч нарса билмасди.

– Қаерга келганимизни ҳозир билиб келаман, – дея ташқарига чиққан Саша исмли бола Тошкент деган жойга келганимизни билиб қайтди. Бир алфозда ётган онамнинг елкалари узра ёйилиб ётган сочларидан тортқилаганча "Тошкент қандай жой", дея сўрадим. Сўз айтишга ҳам мажоли йўқ онам "яхши жой, нон кўп", дедилар базўр. Ўшанда нон сўзини эшитиб, ҳали мусофирчилик машаққатлари тугамай, бу юртнинг одамлари бизни қандай кутиб олишларини билмасдан туриб, Тошкентни яхши кўриб қолган эдим.

Ҳозир олтмиш уч ёшдаман. Қарийб эллик олти йилдан буён менга бошпана берган, онамни хокини бағрига олган, саодатманд оила, бир-биридан ройиш фарзанд, шириндан-шакар набираларни менга ҳадя қилган бу юртни жону таним билан Ватаним деб биламан. Бутун куч-қувватимни шу Ватаннинг гуллаб-яшнашига бахшида қилганимдан, мустақил юртим ривожига ҳисса қўшганимдан қалбимда шукроналик туяман. Агар шоир бўлганимда Ватан ҳақида жарангдор сўзлар айтардим. Лекин шундай бўлса-да, Ўзбекистонни ич-ичимдан яхши кўраман. Бундай хоксор элни, одамлари танти, мард юртни туғилиб ўсган гўшамга ҳам алишмайман...

Онахон билан суҳбатлашганимизга ҳам анча бўлди. Ҳар сафар мустақиллик байрами арафасида Клавдия бувининг "мен Ўзбекистонни ич-ичимдан яхши кўраман", деган сўзлари хаёлимда жонланаверади. Ахир довруғи оламни тутган Ўзбекистонни севмай бўладими?! Истиқлол шабадалари эсиб турган юртда яшаётган биз ёшлар ҳақиқий маънода бахтлимиз. Чунки, ота-боболаримиз орзу қилиб, етишолмаган озодлик, ҳурликни биз кўрдик ва бу кунларнинг шодлигидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Мустақиллик айёми – байрамларимизнинг энг улуғидир. Олтин куз фаслининг илк кунида ҳурлигимизни, озодлигимизни байрам қиламиз. Илоҳим, юртимизнинг мустақиллиги абадий бўлсин, унинг кўркига, ҳусну тароватига кўз тегмасин! Зеро, шоир айтганидек, бахт эмасми, шундай гўзал юртда яшаш!

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ





# АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК




Мустақилликнинг 21 йиллигига муносиб ҳисса қўшиш ниятида хусусий тадбиркорлар бунёдкорлик ишларини авж олдиришмоқда. Янгийўл туманидаги Эски қовунчи қишлоғилик тадбиркор Рустамбек Ҳамробеков бошчилигида "Умурзоқ ота" гузари барпо этилди. Юз ишчи ўрнига мўлжалланган хизмат шохобчаларида аҳоли учун барча шароитлар мавжуд.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

ҚОНУН ВА ИЖРО

# АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси эксперт кенгаши ва БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД) "Ўзбекистон бизнес-форуми" лойиҳасининг "Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш: жорий аҳвол, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзуида йиғилиши бўлиб ўтди.**

Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, пойтахтимиз, туманлар ҳамда вилоят ҳокимликлари, жамоат ва илмий ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш бутун дунёда тобора долзарб масалага айланмоқда. Бу инсоннинг кундалик ҳаётда ерда йиллаб парчаланмай ётадиган ва атроф-муҳитга катта зарар етказадиган пластик, полиэтилен ҳамда бошқа синтетик материаллардан фойдаланиши билан ҳам боғлиқдир. Айнан шу боис ушбу масалаларни ҳал этишда чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш, уларнинг ҳосил бўлиш миқдорини камайтириш имконини берадиган инновацион технологиялардан фойдаланиш (чиқинди ёқиш заводлари ва полигонларини қўлламаган ҳолда) муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари С. Сангинов истиқлол йилларида ҳавони ифлослантирадиган моддалар чиқиндилари 2, ифлосланган оқава сувларни ташлаш 1,8 баробардан ортиқ камайганини таъкидлади. Лекин қаттиқ маиший чиқиндиларни самарали утилизация қилиш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Йиғилишда ушбу масалани ҳал этишда бизнес вакиллари, давлат тузилмалари, соҳа ташкилотлари ва айниқса, аҳолининг янада фаол иштирок этиши ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш зарурлиги тўғрисида фикрлар билдирилди. Бунда анъанавий услубларга (чиқиндиларни ёқиш ва кўмиш) қўшимча равишда чиқиндилар миқдорини камайтиришга доир тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Фақат бир-бирини тўлдирувчи бир қанча дастурлар ва тадбирларни бирлаштиришгина бу борадаги муаммоларни самарали ҳал этиш имконини бериши мумкин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг шу йил 1 августдан кучга кирган Тошкент шаҳрида санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш ва ҳудудларда тозаликни сақлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларга оид қарори, шунингдек, маиший чиқиндиларни саралаш, тўплаш, сақлаш ҳамда вақтида ташиб кетиш бўйича янги қоидалар шулар жумласидандир.

Энди юридик ва жисмоний шахслар чиқиндиларни саралаши ва уларни махсус турли рангдаги пакетларга жойлаштириши лозим. Мовий ранг пакетлар – пластмасса, оқ ранг пакетлар – қоғоз, сариқ ранг пакетлар – озиқ-овқат, қора ранг пакетлар – бошқа турдаги чиқиндилар учун мўлжалланган. Таркибида симоб бўлган чиқиндилар учун махсус контейнерлардан фойдаланилади.

Тадбир қатнашчилари Зангиота туманида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш бўйича хусусий операторнинг иш тажрибаси билан танишди.

**М. МАМЕТОВА, ЎзА мухбири.**

## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маданият саройида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг ИИВ тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.

Танловда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ашула ва рақс ансамбли хонандалари биринчи ўринни қўлга киритди.

**"Туркистон-пресс".**

UZTELECOM

*Ҳурматли абонентлар,*
*Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари!*

«Toshkent shahar telefon tarmog`i» филиали

телекоммуникация тармоғидан Тошкент шаҳридаги шошилинч ва маълумотлар хизматига чиқиш тартиби 101, 102, 103, 104, ..., 10хх рақамларини териш билан амалга оширилмоқда.

- **«101»** (ёнғин хавфсизлиги хизмати)
- **«102»** (милиция)
- **«103»** (тез ёрдам)
- **«104»** (газ хизмати)
- **«1050»** (қутқарув хизмати)
- **«10хх»** (бошқа хизматлар)

Қўшимча маълумотлар учун 200-31-31 ёки 1064 рақамига мурожаат қилинг.

ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

# ЯСАМА УСКУНА – ХАВФЛИ

**Ёнғин хавфсизлиги ходимлари аҳоли ўртасида хавфсизлик қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар уюштиришяпти. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот олиб борилмоқда.**

Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтиришдир. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир корхона, муассаса ва хонадонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига оғишмай риоя қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аввало, очиқ оловдан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш лозим. Шунингдек, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола ускуналардан фойдаланмаслик зарур. Ушбу қоидаларга риоя қилинса, йиллаб йиққан мол-мулк, уй-жой, қолаверса, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини асраб қолган бўламиз.

Кунлар совий бошлаши билан хонадонларни иситиш мақсадида кўпчилик арзон қўлбола газ ва электр ускуналаридан фойдаланади. Бу эса кутилмаганда кишиларнинг умрига зомин бўлмоқда. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига хилоф тарзда таъмирлайди. Бундай ҳолларни корхона ва ташкилотларда ҳам учратиш мумкин. Баъзи беғам уй бекаларимиз эса газ плиталарини қаровсиз қолдириб, ёнғин сабабчиси бўлишаяпти. Шунинг учун ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса, бир-бирларини огоҳлантириб туришса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

**А. ЮЛДАШЕВ, ЁХБ 12-ХЁХО 1-ХЁХ алоҳида пост бошлиғи.**

**"Respublika mulk markazi" ЁАЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2012 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти Чиноз туман ҳокимлиги Молия бўлими 30.07.2012 йилдаги 26-16/127-сонли фармойишига асосан, Тошкент вилояти Чиноз тумани ҳокимлиги Молия бўлимига тегишли Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Ҳамза кўчаси, 8-уй манзилида сақланаётган "Тико" русумли, д/р 10-621МАА бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 3 008 444 сўм.

II. Шунингдек, Тошкент вилояти Оҳангарон туман "Янги Ангрен ИЭС" ОАЖнинг 31.07.2012 йилдаги 12/227-сонли фармойишига асосан, Оҳангарон тумани "Янги Ангрен ИЭС" ОАЖ бўлимига тегишли Оҳангарон тумани Нуробод қўрғони "Янги Ангрен ИЭС" ОАЖ корхонаси манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. "Сиело" русумли, д/р 11 AE 934 бўлган, 1995 йилда и/ч., бошланғич баҳоси – 5.303.505 сўм;
2. "Газ 330210" русумли, д/р 11 AD 009 бўлган, 1995 йилда., и/ч бошланғич баҳоси – 13.595.068 сўм;
3. "Тико" русумли, д/р 11 AE 964 бўлган, 1997 йилда и/ч., бошланғич баҳоси – 5.694.823 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 5 сентябр куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 3 сентябрь куни соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 5 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 10 ва 17 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 10 сентябрдаги савдолар учун 2012 йил 7 сентябрь куни соат 18.00; 2012 йил 17 сентябрдаги савдолар учун 2012 йил 14 сентябрь куни соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" ЁАЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО 01036, СТИР 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел.: (8-371) 233-49-31. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 006231.

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

"Capital Realtor Group" МЧЖда объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилган:

I. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан такроран қўйилган:

1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 1-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 255 151 000 сўм.

2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 2-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 253 586 000 сўм.

3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 3-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 259 715 000 сўм.

4. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 4-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.

5. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 5-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 259 273 000 сўм.

6. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 6-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.

7. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 7-хонада жойлашган, умумий майдони 241,81 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 5-қаватидаги 6 хонали уй.
Бошланғич нархи – 527 113 000 сўм.

8. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 8-хонада жойлашган, умумий майдони 239,4 м.кв., бўлган 6/5-6/7 уй-жой.
Бошланғич нархи – 521 859 000 сўм.

9. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 9-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.

10. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 10-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 259 150 000 сўм.

11. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 11-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.

12. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 12-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 259 273 000 сўм.

13. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 13-хонада жойлашган, умумий майдони 118,24 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 257 747 000 сўм.

14. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 14-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв., бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 259 715 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2012 йил 22 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

II. Яккасарой тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:

ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 20 январь кунги 165/03-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 11-уй, 51-хонадонда жойлашган, умумий майдони 63,46 м.кв., яшаш майдони 39,71 м.кв. бўлган 3 хонали уй.
Бошланғич нархи – 40 914 273 сўм.

Ушбу кўчмас мулкнинг аукцион савдоси 2012 йил 5 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2012 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: RR-0017.

"SIMON GROUP SERVICE" масъулияти чекланган жамиятининг бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЯТТ "Саидова Шахзода Турсунбаевна" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЯТТ "Иноятов Одилбек Ойбекович" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "BEKUM BURGER" (ИНН 302096060), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Яккасарайский район, ул. У. Носир, дом 140, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 3 от 01.08.2012 г.).
Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 545-00-95, 560-20-88.

Тошкент шаҳар Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 1 февралда № 001134-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "IBRAHIM USLU" МЧЖ (ИНН 301185766) "IBRAHIM RUSTU USLU" МЧЖ ҚКга қўшилаётганлиги (бирлаштирилаётганлиги)ни маълум қилади. Шунга кўра "IBRAHIM RUSTU USLU" МЧЖ ҚК "IBRAHIM USLU" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.
Эътирозлар Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 21-уй манзилида қабул қилинади.

Утерянный диплом КХТ № 011004, выданный в 1998 году Бизнесшколой № 6 г. Ташкента на имя Асламова Владимира Павловича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом В № 615807, выданный в 2012 году Ташкентским финансовым институтом на имя Махмудова Шерзода Мухаммаджон ўғли,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "OQ YO`L TRANS" Бектемирского района г. Ташкента (ИНН 203364860) объявляет о своей реорганизации путем присоединения к СП ООО "TREXAUTO". Все права и обязательства ООО "OQ YO`L TRANS" в порядке правопреемства переходят к СП ООО "TREXAUTO". Тел.: 292-84-26.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 31.12.2009 йилда 0107820 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор (ИНН 489395116) Абдуллаев Бахтиёр Нигматиллаевичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой туманида рўйхатга олинган (СТИР 202505598) "AKSIN" МЧЖ асосидаги ишлаб чиқариш фирмасининг устав фонди 7 613 070 сўмдан 6 335 070 сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: 319-00-00.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган (ИНН 200627265) "UZTURK CORPORATION" қўшма корхонасининг номи ўзгарган ҳолда устав фонди 300 000 АҚШ долларидан 100 000 000 сўмгача камайтирилиши ҳамда мулкчилик шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади. Тел.: 369-44-94.

ООО "ORIGINAL BUSINESS PLUS", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района № 003912-03 от 10.06.2009 г. (ИНН 207001114), адрес: ул. Сурхон, дом 30, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 6 от 04.08.2012 г.).
Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 178-11-01.

Утерянный диплом В № 178626, выданный 01.07.2004 году Тошкент Давлат шарқшунослик институти на имя Касимова Пулата Талгатовича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

РАМАЗОН ЎГИТЛАРИ

# ИБРАТ ВА ИХЛОС

Ривоят қилишларича, Куфа шаҳридаги дўконларида савдо қилиб турганларида ҳазрат Имом Аъзам олдиларига тугунча кўтарган бир аёл кириб келади. Қиёфаси ғуссали бўлган бу аёл бир ипак кўйлак сотмоқчи эканини ва атиги юз динорга розилигини ўтинчли бир оҳангда билдиради.

Ҳазратимиз кўрадиларки, кўйлак тоза матодан, нархи юз динордан анча юқори туради. Ва андишаларини аёлга айтадилар. Аёл дўкондорнинг самимиятига ишониб-ишонмай:

– Менга юз динор кифоя, илтимос, сотиб олинг, – деб ёлворади.

– Хўп, синглим, мен розиман, – дейдилар Имом Аъзам алайҳираҳма. – Лекин сиз аввал бозорни бир айланиб, суриштириб, нархини аниқланг. Кейин олдимга келинг, сўраган нархингизга оламан.

Жувон бозор айланиб, ҳазратнинг олдиларига қайтиб келади-да:

– Нархи беш юз динор экан, лекин сиз менга бунча беришингиз шарт эмас, – дейди.

Ҳазратимиз унга беш юз динор санаб берадилар. Аёл пулни оларкан:

– Дунё тургунча туринг, барака топинг, – дейди-да, ўпкаси тўлиб йиғлаб юборади.

Ҳазрат сабабини сўрадилар.

– Бу менинг келинчаклик кўйлагим эди, – дейди аёл йиғламсираб. – Уйда бошқа сотгулик нарса қолмагани учун олиб чиққандим. Икки кундан бери болаларим туз тотишгани йўқ. Бу шунча қиммат эканлигини билганимда аввалроқ опчиқиб сотган бўлардим...

Аёл қайта-қайта дуо қилиб, дўкондан узоқлашаркан, Имом Аъзам ҳазратлари уни тўхтатиб, қўлига кўйлакни тутқазади. Қўрқиб кетган аёл яна ёлворишга тушади:

– Ўтинаман, кўйлакни опқолинг, уйда болаларим оч ўтирибди, – дейди.

Ҳазратимиз кулимсираб:

– Синглим, қайтиб бераётганим йўқ. У энди менинг молим. Мен уни сизга ҳадя қиламан, – дейдилар...

Муштипар жувоннинг ҳолатини тушуниш мумкин. У кутилмаганда Ҳазрати Хизрга йўлиққандай бўлди.

Мазкур ривоятда шу нарса муҳимки, аёл тасодифан бир яхши одамга дуч келганини эмас, балки, Исломнинг ҳожатбарорлик қудратини ҳис этди.

Эътибор қилган бўлсангиз, ҳазрат Имом Аъзам раҳимаҳуллоҳнинг ушбу ҳолатда қилган ишлари бир эмас, бир неча Ҳадиси шарифга мувофиқ келади. Аввало олдиларига келган ҳожатманднинг соддалиги ва ғоятда муҳтожлигига эътибор қилдилар. Инсофсиз дўкондорга йўлиққанида аёлнинг ҳоли не кечарди? Ваҳоланки, "Мусулмонни алдаган биздан эмасдир..." дея Расули акрам (с.а.в.) марҳамат қиладилар. Ривоятдан келиб чиқадиган яна бир энг муҳим хулоса шуки, ҳузурингга келган ҳожатмандни ноумид қилмагин, чунки: "Аллоҳ таоло ночор, қийналган одамга яхшилик қилганни яхши кўради" дея таъкидланади Ҳадиси шарифда.

Муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш, мискинлар кўнглини кўтариш, доимо яхшилик қилиш, эзгулик ҳақида ўйлаш... Бу Ислом кишисининг ахлоқи, яшаш тарзи бўлиши керак.

Шу ўринда Имом Аъзам ҳазратларига замондош бўлган яна бир саховатпеша инсон ҳақидаги нақлни келтириб ўтсак. Бу нақл нақшбандия намоёндаларидан бўлмиш Маҳмуд Асад Жўшон ҳазратларининг "Ислом, тасаввуф ва ахлоқ" китобларида келади. Абдулла ибн Муборак исмли улуғ бир муҳаддис Хуросондан Ҳажга боришни ният қилибди. Буни эшитган Ҳаж ниятида юрган бир неча киши унинг ҳузурига келиб, ҳамсафар бўлишни илтимос қилишибди. Ҳазрат шарт қўйибди: "Розиман, фақат ҳамёнларингни менга бериб қўясизлар. Менда туради".

Рози бўлишибди. Ҳазрат кишиларнинг ҳамёнларига исми-шарифларини ёзиб, бир сандиққа жойлабди. Йўлга тушишибди. Йўлдаги еб-ичишлар, отларнинг еми каби барча сарф-харажатларни олимнинг ўзи тўлаб борибди. Ҳаж арконларини ўтаб, Хуросонга қайтишгач, Абдулла ибн Муборак ҳожиларга катта зиёфат берибди-да, охирида ҳалиги сандиқни очтириб, ҳамёнларни эгаларига бус-бутун қайтарибди. Маълум бўлишича, бу жўмард инсон одамларга саховат қилишнинг шундай беозор йўлини қўллаган экан.

Бугунги кунимизда ҳам замондошларимиз орасида сахий, меҳр-оқибатли инсонлар кўплаб учрайдики, саховатпешалик, мардлик, ҳожатбарорлик халқимизнинг қонида борлиги, у аждодий мерос эканлиги, улуғ бир анъана, ахлоқий мезон сифатида яшаб келганидан далолат беради.

Саховат деганда фақат пул ёки моддий бир нарсани туҳфа қилиш тушунилмайди. Балки қалб, руҳ саховати деган тушунчалар ҳам бор. Масалан, олим ўз билимини ўзида сақлаб ўтирмай, шогирдларига ўргатади. Ўз кашфиётларини одамлар манфаатига бағишлайди. Бу ҳам саховат. Яхши гап ҳам, меҳр-муҳаббатли бўлиш ҳам, умуман инсон кўнглини кўтаришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат борки, саховат саналади. Рамазони шариф ойида халқимиз қалбидаги эзгу ҳис-туйғулар, фазилатлар, хусусан саховатпешалик, муҳтожлар, беморлар, кексалар кўнглини кўтариш, илм толибларини қувватлаш сингари хайрли ишлар янада кучлироқ намоён бўлмоқда. Бу ойда қилган ҳар бир эзгу ишимиз, яхшилигимиз, хайру саховатимиз ўзига хос шукронамиз ҳисобланади. Яъни, бизга имон-эътиқод эркинлигини, тилимиз, динимиз, ҳақ-ҳуқуқларимиз дахлсизлигини қайтариб берган дориламон замонамиз шукронасидир.

**Сирожиддин ОҚИЛХОНОВ,**
**Юқори Чирчиқ тумани бош имом хатиби.**

XXI аср ва ДУНЁ

## ИМПЕРИЯ ВОРИСИ ТУРМАГА ТАШЛАНДИ

**Tetra Pak империяси вориси, миллиардер Ханс Кристиан Раусинг рафиқасининг жасадини ўз вақтида дафн этишга монелик қилгани сабабли ўн ой қамоқ жазосига ҳукм қилинди.**

AFP агентлиги шу ҳақда тарқатган хабарда айтилишича, ушбу ҳукм икки йилдан сўнг, яъни Раусинг гиёҳвандлик хасталигига қарши муолажа курсидан ўтиб бўлганидан сўнг ижро этилади. Шунингдек, Раусинг гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилган ҳолда автомобилни бошқарганликда ҳам айбланмоқда.

49 ёшли империя вориси йўлда тўхтатилиб, текширилганда, ёнидан ўткир гиёҳвандлик моддалари чиқди. Шундан сўнг унинг Лондондаги уйида ўтказилган тинтув чоғида, 48 ёшли рафиқаси Еванинг ярим чириган жасади топилди. Кейинчалик аниқланишича, жасад икки ойдан буён шу ҳолда ётган экан. Эри эса, қотилликда гумон қилинди. Аммо жасад экспертиза қилингач, ўлим сабаби меъёридан ортиқча афюн истеъмол қилгани бўлса керак деган хулосага келинди.

Раусинг судга мурожаат қилиб, рафиқаси қачон, қандай вазиятда қазо қилганини эслай олмаслигини эътироф этди.



## ФОҲИШАЛАРГА ЙЎЛ ОЧИҚ

**Украина Республикаси Волин вилояти Луцк шаҳридаги Польша консуллигида жиноятчи гуруҳ Шенген визаларини яширинча ёзиб бериш билан шуғулланган.**



"Украинская правда" газетасининг маълум қилишича, бу ҳақда консулликдаги манба берган маълумотга таяниб "Gazeta Polska Gadsiennie" хабар босган. Таъкидланишига қараганда, бу гуруҳ фоҳишаларни виза билан таъминлаб келган. Нашр келтирган маълумотларга кўра, гуруҳ таркибида консуллардан бири ва яна қандайдир "махсус хизмат зобити" ҳам бўлган.

Газетанинг ёзишича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари 2011 йилдаёқ ушбу гуруҳ изига тушган. Ҳозир Польшанинг Бельско-Бяла шаҳри прокуратураси бу ишни тергов қилмоқда. Гуруҳ қачондан буён жиноий иш билан шуғулланиб келган ва қанча яширин визалар расмийлаштирилгани масаласига ҳали ойдинлик киритилмади.

**AFP агентлиги маҳаллий ҳукумат маълумотига таяниб, Фиджида Британия қироличаси Елизавета II нинг туғилган куни сифатида нишонланадиган давлат байрамини бекор қилингани ҳақида хабар тарқатди.**

## ДАВЛАТ БАЙРАМИ БЕКОР ҚИЛИНДИ



"Биз республика мақомига эга бўлганимиздан сўнг қироличанинг туғилган куни Фиджи учун ўз аҳамиятини йўқотди, – деди меҳнат вазирлиги матбуот котиби Ион Усамате агентликнинг саволига жавобан. – Ҳозир биз мустақил миллатмиз". Котиб ишлаб чиқариш ва ривожланишга кўпроқ эътибор қаратиш, давлат байрамларини қисқартириш зарурлиги, чунки улар бизнесга ва ҳукуматнинг изчил ишлашига ҳалақит беришини таъкидлади.

2011 йилнинг кўкламида Фиджи ҳукумати Елизавета II нинг мамлакат миллий валютаси (фиджи доллари)даги сурати ўрнини маҳаллий флора ва фауна тасвирлари эгаллашини эълон қилди. Янги пулларни 2012 йилнинг ёзида зарб этиш режалаштирилган.

## ОҚ БИЗОН ҲИНДУЛАРНИ БИРЛАШТИРДИ

**Шимолий Америка ҳиндулари Коннектикут штатида юз берган ноёб ҳодиса – оппоқ бизонча туғилгани шарофати билан янада жипсроқ бирлашдилар.**

Associated Pressнинг хабарида таъкидланишича, бу ноёб воқеа муносабати билан махсус тантанали маросим уюштирилиб, бир неча қабилалардан ўнлаб вакиллар иштирок этди. Жанубий Дакота штатида яшовчи ҳинду қабилалардан бирининг вакиласи нутқ сўзлаб, оқ бизонча туғилгани мўъжиза бўлиб, бу ҳинду қабилаларнинг ҳаммаси янада жипсроқ бирлашишлари зарурлигига ишора эканлигини таъкидлади.

Оқ бизон ҳиндулар учун умид ва жипслик рамзи ҳисобланади. Айримлар эса оқ бизонча туғилишини илоҳий ҳодиса деб баҳоламоқда. Олимларнинг фикри эса ўзгача. Улар буни шунчаки, жуда камдан-кам учрайдиган, ўн миллиондан бир марта юз берадиган ҳол деб баҳоладилар.

Бизон зубрага ўхшаш йирик ҳайвон бўлиб, узунлиги уч, бўйи эса икки метргача боради. Ўн тўққизинчи аср бошида 40 миллиондан кўпроқ бизон бор бўлса, ҳукумат уларни аямай қиргани сабабли атиги бир неча юз бош қолганди. Бугунги кунда эса улар ярим миллионга яқинлашди.



## ВАЛЕНСИЯ МЭРИ УНВОНИДАН АЙРИЛДИ



**Валенсия шаҳар кенгаши генерал Франсиско Франкони йилнинг фахрли мэри унвонидан маҳрум этадиган бўлди. Чунки, суд марҳум диктаторнинг ушбу унвонини конституцияга зид деб топди.**

АВСнинг хабар беришича, суднинг қарори 31 июль куни эълон қилиниб, шаҳар ҳокимияти ушбу қарорни иложи борича тезроқ амалга оширишга тайёр эканини маълум қилди. Суд Франконинг унвонини конституцияга зид деб эътироф этиш билан "Compromis" гуруҳининг талабини қондирди ва шаҳар кенгашининг 2011 йил 29 июлдаги қарорини бекор қилди. Франко айнан шу қарор туфайли унвонини сақлаб турган эди.

"Compromis"нинг матбуот котиби Жоан Рибо суд қароридан қаноатланганини маълум қилди, деб таъкидлади Europa Press. Валенсия ҳокимлиги Франкони "демократик маслак ёки унинг қурбонларига эҳтиром сифатида" эмас, балки суд қарори билан унвондан маҳрум қилганига ачинаман, деди у.

Франсиско Франко ўзи ҳукумат тепасига келган 1939 йил 1 майда Валенсиянинг фахрли мэри бўлган эди. У 1975 йилда вафот этди.

**Эстониянинг атроф-муҳит нозирлиги хизмати мамлакат ҳудудида бешиктебратарларни сотиш мумкинлигини таъкидлади, деб ёзади ERR нашри.**

## БЕШИКТЕБРАТАР САВДОСИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ



Мамлакатнинг солиқ-божхона департаментига интернет орқали бешиктебратарлар сотилаётгани ҳақида хабар келиб тушганидан сўнг бу масала хусусида шарҳ эълон қилишга тўғри келди. Департамент ушбу ҳашаротлар билан савдо қилиш қонуний ёки йўқлигини аниқлаш хусусида нозирликка мурожаат қилди. Нозирлик маслаҳатчиси Лейли Тууленинг тушунтиришича, бешиктебратар "табиий тизимнинг мувозанатига хавф солувчи бегона зотлар рўйхатига киритилмаган". Шу боис уларни Эстония ҳудудига олиб кириш ва савдо қилиш тақиқланмаган деди у.

Бу ерда гап Эстонияга келтирилгач, тез кўпайиб, кенг майдонларни эгаллаб, маҳаллий флора ва фауна намуналарини сиқиб чиқараётган ўсимлик ва жонзотлар ҳақида бораяпти.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

BOLALIK BOG`I

# G`AMXO`RLIK

Nodirjonning sinfdoshlari undan xafa, chunki u juda xudbin. To`g`ri, ular bunday fe'lning xudbinlik deb atalishini bilishmasada, har holda yaxshi odat emasligini bilishadi. Masalan, tanaffus paytida oshxonada navbatsiz ovqat oladi. Sinfdoshlari "Biz" deb yurishsa u faqat "Men" deb yashaydi. Shuning uchun o`rtoqlari u bilan gaplashmay qo`yishdi. Keyin tushunishdiki, bu ishlari bilan Nodirjonning fe'li tuzalib qolmas ekan. O`rtaga olib rosa gapirishsa-chi? Yo`q, nasihat kor qilmadi. Bugungi majlisda shu masala ko`rib chiqildi:

– Nodir yaxshi bola, qizg`anchiqligi yomonda, nima qilamiz?

– O`zi tayinli takliflar bormi?

– Bor, ustozga aytamiz

– Bu chaqimchilik deyiladi.

Majlis uzoqqa cho`zildi. Hammaning toqati toq bo`la boshladi, axir uyga ketish kerak. Kimdir ukasiga qaraydi. Kimdir to`garakka a'zo, kimdir oyisiga yordamchi.

– Bo`ldi men ketaman

– Malika biroz shoshma, hali gapimiz tugamadi.

– Kuchukcham va baliqcham och qolgan, bormasam bo`lmaydi.

– Obbo, boraqol.

– Bolalar, topdim, – dedi sinfdoshlardan biri. – Nodirga tug`ilgan kuniga uy hayvonlari sovg`a qilamiz.

...Bugun Nodirjonning tug`ilgan kuni "Menimcha, ular kelmaydi, kelishmasayam mayli, qaytaga tortni hech kim bilan bo`lishmay o`zim eyman" deb o`yladi u. Shu payt qo`ng`iroq chalindi. Eshikni ochgach Nodirjon hayron qoldi. Qobil akvariumda tilla baliqcha, Nafisa qafasda to`ti va kanareyka, Nigora qutichada shalpangquloq quyoncha, Akmal mushukcha, Botir kuchukcha...

Nodirjonning xonasi hayvonot bog`ining o`zi bo`ldi qoldi. Endi u darsdan so`ng uyga shoshadi. Sovg`alarni "boqish" kerak. Sovg`a bo`lgani uchun ham birovga berib yoki sotib yuborolmaydi. Har holda endi u kimgadir g`amxo`rlik qilmoqda. Bu degani xudbinlik ham sekin-sekin yo`qoladi.

Kimgadir g`amxo`rlik qilish yaxshi, ana shunday do`stlarning bo`lgani esa undanda yaxshi.

**Dilsora ADBUSATTOROVA.**

КЎРГАЗМА

**Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академиясининг рассомлар ижодий бирлашмаси ҳамкорлигида Михаил Левковичнинг "Мен ҳамиша суратга олишни хоҳлардим" мавзусида шахсий кўргазмаси очилди.**

# СОБИТҚАДАМ ФОТОРАССОМ

Михаил Левкович – физик илмий ходим. Молекулалар тузилиши ва Ўзбекистонда ўсадиган гиёҳлардан дори воситалари тайёрлаш йўллари билан шуғулланади. Фото билан шуғулланиш унинг эркин ижодий иши. Илмий фаолияти давомида ҳам ўзи олган фотосуратлардан кенг фойдаланган. Фото бўйича турли кўргазмалар қатнашчиси. 4 марта шахсий фотокўргазма ташкил этди. 2010 йилдан Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкор фоторассомлар шўъбаси аъзоси. Ҳозирги вақтда Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фотография студияси мактабида дарс олиб боради.

Кўргазмада устоз-муаллифнинг турли ижодий қирраларини ўзида ифода этган ишларидан намуналар қўйилган. Жумладан, шаҳар манзаралари, гуллар, аёллар рэгбиси, мусиқа сеҳри, хотира ва қадрлаш, маданиятимиз вакиллари туркумидаги фотосуратлар томошабинларга тақдим этилган. "Лик" ҳаракати театри фаолиятининг айрим қирралари акс этган, самимий инсонийлик руҳи уфуриб турган фотолавҳалар кишини эзгуликка чорлайди.

Экспозициядан жой олган "Чимёнда қиш оқшоми", "Баҳорги Чимён", "Красногорск" манзаралари акс этган "Парпи ота мақбараси", "Кенглик", "Бардлар қўшиқ фестивали – 2010" (Чимён) ва Тошкент вилоятининг бошқа гўзал манзаралари акс этган қатор фотосуратлар кишига завқ бағишлайди.

Экспозициядан ўрин олган кўплаб фотосуратларда муаллифнинг маҳорати, ижодий қиёфаси сезилиб туради. У ижодкор сифатида ижтимоий ҳаётнинг турли йўналишларига, айниқса, доимий ва универсал мавзуларга алоҳида эътибор қаратганини кўрамиз.

Кўргазма шу йилнинг 14 августигача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

БИЛАСИЗМИ?

## Сенсорли мато

**Япония илмий-саноат технологиялари агентлиги нейлон толасига юпқа сенсорли датчик (қабул қилувчи ва узатувчи қурилма) ўрнатишга муваффақ бўлди.**

Айни вақтда бундай махсус толадан мато ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Агентлик вакилларининг сўзларига кўра, бундай матонинг қалинлиги атиги бир микрометрни ташкил этади. Ундан, айниқса, шифохоналарда кенг фойдаланиш мумкин. Бундай қурилма бемор саломатлигини бевосита кузатишда жуда қўл келади.

## Митти видеокамера

**Германиянинг "Fraunhofer" тадқиқотлар институти олимлари дунёдаги энг кичик видеокамерани яратди.**

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, унинг узунлиги бир миллиметр, тасвирга олиш ҳажми 0,06 мегапиксель, квадрат матрицаси эса 250 пикселга тенг. Олимларнинг айтишича, ушбу видеокамерадан авиасозлик, машинасозлик соҳалари ва тиббиёт техникаси маҳсулотларида фойдаланиш мумкин.

## Денгиз тубидаги хазина

**Швециялик экспедиторлар Болтиқ денгизи тубидан 1564 йилда чўкиб кетган "Марс" кемаси атрофида сочилиб ётган тўрт мингта кумуш танга топдилар.**

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, асрлар давомида сув остида ётган бу қимматбаҳо топилма жуда яхши сақланган. Уларнинг айтишича, бунинг асосий сабаби Болтиқ денгизи чуқурликларида кислород жуда кам бўлиб, у ерда ҳатто ёғоч ҳам чиримас экан.

**ЎзА.**

ОЛИМПИАДА ХАБАРЛАРИ

## *Уильям Шекспир шляпаси сотилади*

Буюк Британия пойтахтида қиролликнинг машҳур одамларига атаб бунёд этилган ҳайкалларга таниқли дизайнер ва кутюрьелар томонидан яратилган шляпалар кийдирилди. Шаҳар мэри Борис Жонсоннинг айтишича, бундай лойиҳани амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад "Олимпиада – 2012" иштирокчиларини Буюк Британия тарихи ва маданияти, хусусан, шляпалар кийишга оид қадимий урф-одатлари билан таништириш, одамларнинг Лондоннинг диққатга сазовор жойлари ҳақидаги тасаввур ва таассуротларини янада бойитишдан иборат.

РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, "Hatwalk" номли ушбу лойиҳага ёзувчи Уильям Шекспир, шоир Роберт Бернс, қирол Георг IV, Веллингтон герцоги, адмирал Нельсон каби машҳур кишиларга атаб барпо этилган жами 21 ҳайкал киритилган. Ушбу шляпалар кейинчалик сотувга қўйилади.

## *Меҳмонхона кема*

Лондоннинг машҳур Кэнэри-Уорф кварталида Германиянинг йирик тезюрар кемаси меҳмонхона хизматини таклиф этмоқда. Хабарларга қараганда, Темза дарёсида тўхтаган "Deutschland" номли мазкур лайнер "Олимпиада – 2012" иштирокчилари ва меҳмонлари сони кўплигидан, уларни тураржой билан таъминлаш мақсадида келтирилган.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, 175 метрли мазкур кемада барча дам олиш ва яшаш шароитларига эга хоналардан ташқари, учта ресторан, бар ва бир нечта сузиш ҳавзалари мавжуд. "Deutschland"даги бир кунлик ижара 350-400 еврога баҳоланмоқда.

**ЎзА.**

РАССОМ ХАНДАСИ




caricatura.ru

БУ – ҚИЗИҚ

## ИЖАРАГА БЕПУЛ ШИППАКЛАР

Хитой пойтахти метросида йўловчиларга йўқотилган оёқ кийимлар ўрнига янги туфли, шиппак ва мокасиналар бепул ижарага бериш йўлга қўйилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Метрополитен раҳбариятининг сўзларига кўра, Пекин метросида, айниқса, тиғиз пайтда, пойабзалларни йўқотиш ҳолатлари кўп учрайди. Фуқароларнинг шикоятларини инобатга олган ҳолда ушбу ноодатий қарорни қабул қилишга тўғри келган.

Маълумотларга кўра, айни вақтда Пекин метросининг барча 182 бекатида оёқ кийимларни бепул ижарага бериш пунктлари ишга тушган. Ижарага олинган пойабзаллар кейинчалик ушбу пунктларга қайтарилиши лозим. Қайтарилган пойабзаллар стерилизация қилиниб, яна фойдаланилади.

**ЎзА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-842. Адади 7012. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.45. 12345